

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГНОРОВ АЛМАРДОН АБДИРАҲМОНОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economics sciences**

Менгноров Алмардон Абдирахимович Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш истиқболлари.....	5
Менгноров Алмардон Абдирахимович Перспективы развития плодоовощной отрасли.....	25
Менгноров Алмардон Абдирахимович Prospects for the development of the fruit and vegetable industry.....	47
<u>Эълон қилинган ишлар рўйхати.....</u> <u>Список опубликованных работ</u> <u>List of published works</u>	51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГНОРОВ АЛМАРДОН АБДИРАҲМОНОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt1979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидакбаров Хайдар Хожимуратович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшан Воҳидович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муродов Шерзодбек Мурод ўғли,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
Самарқанд филиали**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-46-68; e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги №___ -рақамли реестр баённомаси)

Қ.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тобора кескин тус олаётган глобал иқлим ўзгариши, дунё аҳолиси сонининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолаётганлиги, ресурслар чекланганлиги ҳамда турли сиёсий ва экологик инқирозлар шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, инсонларни ушбу маҳсулотлар билан миқдор ва сифат жиҳатдан, хусусан экологик тоза органик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласининг яна кескинлашишига олиб келмоқда. Ушбу жараёнда маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш, истеъмол бозорларини эгаллаш, улардаги кучли рақобат таъсирларига мослашиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва шу каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурияти вужудга келади. Шу боис, дунёда “... қишлоқ хўжалиги тармоғига замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳажмини 4,8 млрд. АҚШ долларга ошириш прогноз қилинган”¹. Бундан мақсад тармоқлар ресурс салоҳиятидан инновацион фойдаланиш, уларни иқтисодий ривожланиш йўналишларига мос башорат қилиш, бозор шароитида маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни истиқболларини баҳолаш бўйича дунёнинг нуфузли илмий тадқиқот институтлари ва муассаларида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон озиқ-овқат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларини мақбул жойлаштириш ва ихтисослаштириш орқали мамлакатнинг халқаро бозордаги етакчилиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш, янги технологиялар ва интенсив усулларни кенг татбиқ этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот нобудгарчилиги даражасини баҳолаш, ҳудудларни табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда экинларни жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг истиқбол параметрларини ишлаб чиқиш, **тармоқда рақамли** электрон платформалар ташкил қилиш ва ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини таркибий, ташкилий-иқтисодий ислоҳ қилиш чора-тадбирларига қарамасдан мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси иқтисодий ривожланган давлатларга нисбатан пастлигича қолмоқда. Шунинг учун инсон организми учун зарур витаминлар ва турли микроэлементларга бой, шунингдек, пахта ва дон экинларига қараганда йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш, қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан таъминлаш, қолаверса, чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланиш мумкин бўлган поя-барглар ва чиқитлар олиш борасида кенг имкониятлар яратувчи мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва ҳудудлар шароитларига мос жойлаштириш каби муаммоларнинг амалий ечимларини топишни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур тармоқни истиқболли ривожлантириш йўналишларини илмий-

¹ <https://www.statista.com/markets/421/topic/495/f>

амалий асослаш, хусусан, жаҳон озик-овқат бозоридаги рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, экспортбоп мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини башорат қилиш каби муаммолар ечимларини топиш қишлоқ хўжалиги тармоғининг истиқболдаги долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 2 августдаги ПҚ-257-сон “Қишлоқ хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш”нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги, хусусан мева-сабзавотчилик тармоғини барқарор ривожлантириш истиқболларини баҳолашнинг илмий-назарий асослари хорижлик олимлар D.Byerlee, Adeel R.A., O.A.Бурянона, М.М.Бутакова, И.Ф.Хицков² каби хорижлик олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Мамлакатимизда эса мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш асосида тармоқ самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим илмий-услубий ва амалий аҳамиятга молик тадқиқотлар Ў.П.Умурзаков, Қ.Чариев, И.Рустамова, Б.Джураев, С.Эшматов, Ш.Муродов, М.У.Ачилов³ каби олимлар томонидан амалга оширилган.

² Byerlee D., de Janvry A., Sadoulet E. Agriculture for Development: Toward a New Paradigm/Annual Review of Resource Economics. 2009. Vol. 1(1). PP.15-20.; A.Adeel. Organizational democracy and employee outcomes: The mediating role of organizational justice. Business Strategy & Development 2019.; O.A.Бурянона. Прогнозирование развития сельского хозяйства района на среднесрочную перспективу”: дисс. ... авт. к.э.н. – Воронеж, 2007.; Бутакова М.М. Экономическое прогнозирование: методы и приемы практических расчетов. М.: КНОРУС, 2018. – 168 с.; И.Ф.Хицков и др. Методические подходы к разработке прогнозных моделей развития сельскохозяйственного производства ЦЧР РФ / //– Воронеж: ГНУ НИИЭОАПК ЦЧР РФ, 2014. – 64 с.

³ Ў.П.Умурзаков, С.Эшматов. Мева-сабзавотчилик қиймат занжирида вертикал ва горизонтал интеграциянинг аҳамияти. //“Молиячи маълумотномаси”, №8(68). 2017.; Қ.А.Чариев, Азизов Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (Монография) – Т.: “Oltin qalam nashriyoti” нашриёти. 2023. – 140 бет.; И.Б.Рустамова ва бошқ. Аграр сиёсат ва озик-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т., 2016. – 290.; Джураев Б. Қишлоқ хўжалигида

Бирок, жаҳон озиқ-овқат бозори сегментларида тоборо кескин тус олаётган рақобатлар таъсирини эътиборга олган ҳолда, республикада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли истеъмолидаги ҳажмлари бўйича бозор сифимини тўғри баҳолаш, унда шаклланадиган нархларнинг мавсум ва вақт омилларининг таъсирида ўзгариш динамикасини башоратлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, жумладан, мева-сабзавотчилик соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий этиш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш шароитидаги ўрни, роли ва аҳамиятини асослашга бағишланган чуқур илмий-тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Айнан бу ҳолат мазкур диссертация мавзусининг танланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент Давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича илмий-услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

мева-сабзавотчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва трансформация асосида тармоқни барқарор ривожлантириш йўналишларини белгилашнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқбол параметрларини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ қилиш;

мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари кўрсатиб бериш;

республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш босқичлари ва шароитида мева-сабзавотчилик тармоғидаги таркибий ўзгаришларни ўрганиш ва уларнинг аҳамиятли йўналишларини асослаш;

мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга оид хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва республикамизда фойдаланиш имкониятлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавотчилик тармоғини рақамли технология ва интенсив омиллар жорий этиш орқали инновацион ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

эконометрик моделлаштириш усулларини қўллаш асосида республикада мева-сабзавотчилик тармоғини истиқболли ривожлантириш сценарийларини илмий асослаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маркетинг тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари: дис. авт. ... и.ф.ф.д. (PhD) – Т.: 2020; Ш.Муродов. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: дис. авт. ... и.ф.ф.д. (PhD) – Т.: 2020.; С.Эшматов. Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари: дис. авт. ... и.ф.ф.д. (PhD) – Т.: 2021.; М.У.Ачилов. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш: дис. авт. ... и.ф.ф.д. (PhD) – Т.: 2022.

мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш ва маҳсулотлар ҳажмини 2030 йилгача прогноз параметрларини ишлаб чиқиш бўйича амалий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти сифатида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ва тармоқ фаолияти билан боғлиқ ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети мева-сабзавотчилик тармоғини истиқболли ривожлантиришда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида иқтисодий таҳлил ва қиёсий таққослаш, эконометрик моделлаштириш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, мантиқий фикрлаш, конструктив ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

ташқи ва ички озиқ-овқат бозорларидаги рақобатлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини миқдор ва сифат индикаторлари асосида тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилган;

мавсум омили таъсирида мева-сабзавот маҳсулотларига нисбатан бозор нархларининг ўзгариш эҳтимолини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи субъектлар кўрадиган фойда (зарар)ни ҳисоблаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган;

мева-сабзавотчилик тармоғи билан боғлиқ барча субъектлар, идора ва ташкилотлар ўртасидаги ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатлар тизимини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи рақамли электрон платформа ишлаб чиқилган, унинг таркиби ва вазифалари асосланган;

республика мева-сабзавотчилик тармоғини 2030 йилгача қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш сценарийлари ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмининг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро бозордаги талаб ва таклифларнинг ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларидан инновацион технологиялар жорий этиш орқали мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ихтисослашган мева-сабзавотчилик кластерларида рақамли бошқариш ва ўзаро манфаатли шартнома муносабатлари тизимини жорий қилиш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва хўжаликлар даромадларини ошириш имконият ва чора-тадбирлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

бозор рақобатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик тармоғини замонавий ресурстежовчи технологиялар жорий этиш асосида истиқболли ривожлантириш, субъектлар ўртасидаги алоқалар тизимининг рақамли электрон платформаси, унинг механизм ва вазифалари илмий-амалий асосланган;

республика миқёсида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 2030 йилгача мўлжалланган башоратлаш параметрлари ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аграр соҳадаги иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, экспорт бозорларини танлаш ва кенгайтириш борасидаги фикр ва мулоҳазалари, илмий қарашлари ва ишланмалари қиёслаш асосида танқидий ўрганилганлиги, тадқиқот жараёнида методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадли қўлланилганлиги, ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Жаҳон озиқ-овқат бозоридаги рақобат муҳитининг ўзгариш тенденциясига мос равишда мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш, маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқбол параметрларини ҳисоблаш усуллари, тармоқ рақобатбардошлигини ошириш йўллари ва имкониятлари бўйича ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар республика ҳудудлари кесимида мева-сабзавот экинларини илмий асосда жойлаштириш, мева-сабзавотчилик хўжаликлари фаолиятини диверсификация қилиш каби чора-тадбирларни рақамли трансформациялашда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи ва ички бозорлардаги талаб ва таклифнинг ўзгариши шароитида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг истиқболдаги мақбул йўналишларини қиёсий таҳлил қилиш ва белгилаш, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари, манзилли ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим тизимида “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш индикаторларини миқдорий ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш ҳамда республика аграр секторининг ташқи ва ички бозор муҳитини, устувор йўналишларини асослаш ва келажақдаги тенденцияларнинг таъсирини ҳисобга олувчи прогнозлар тизими бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27-декабрдаги №05/032-5109-сон маълумотномаси). Натижада, бозор ва экспортга йўналтирилган ақлли қишлоқ хўжалиги ва унинг мева-сабзавотчилик тармоғини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тегишли дастур ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятларини яратган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг мавсум омили таъсирида ўзгариш эҳтимоллигини белгилашга оид услубий ёндашув Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27-декабрдаги №05/032-5109-сон маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашув озиқ-

овқат бозори ва унинг сегментларидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган даромад кўрсаткичлари, рентабеллик ва харажатлари, маҳсулот таннархи, уларни сотиш каналлари, озиқ-овқат ва ресурслар бозорларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар базасини яратган;

мева-сабзавотчилик тармоғида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш жараёнларини уйғун тарзда мониторинг қилиш ва автоматлаштиришга қаратилган интеграциялашган тизимни ташкил этиш бўйича таклифлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27-декабрдаги №05/032-5109-сон маълумотномаси). Натижада, республика миқёсида ва ҳудудлар кесимида мева-сабзавотчилик тармоғининг электрон платформасини рақамли иқтисодиёт жараёнлари билан интеграциялашни таъминлаш, маҳсулотлар ҳаракатини бошқариш, нарх сиёсатини такомиллаштириш каби масалаларга боғлиқ маълумотлардан барча субъектлар томонидан мақсадли ва манзилли фойдаланиш имконияти яратилган;

мева-сабзавотчилик тармоғини 2030 йилгача қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўжалланган ривожлантириш сценарийлари ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмининг прогноз параметрлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27-декабрдаги №05/032-5109-сон маълумотномаси). Натижада, сабзавот маҳсулотларини экспорт ҳажми 2023 йилга нисбатан 2030 йилда 60 фоизга юқори бўлишлиги, ушбу йилларга мос равишда ялпи маҳсулот ҳажми истиқболда 11799,7 минг тоннани ташкил этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 халқаро (жумладан биттаси Scopus маълумотлари базасида индексланган), 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 3 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда 3 та илмий мақола, шундан 2 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертацияни тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва баҳолашнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми истиқболларини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги глобал иқлим ўзгариши ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида турли давлатларнинг халқаро озиқ-овқат бозорлари сегментларини эгаллашда рақобатнинг кучайиши дунёда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни тақозо қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳам рақобатбардош бўлишига катта эътибор қаратиш талаб этилади. Аммо, жаҳон озиқ-овқат бозоридаги талаб ва таклиф мувозанати ўзгаришига мос тарзда чекланган ер-сув ресурсларидан интенсив фойдаланиш йўллари, жумладан, турли иссиқхона ва парниклар, ген инженерияси, гидропоника ва чорвачиликда трансплантация усуллари кенг жорий этишга устуворлик берилиши туфайли жаҳон иқтисодиётидаги жараёнлар ва озиқ-овқат бозоридаги ўзгаришларни илмий башорат қилишнинг аҳамиятини оширмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотларинининг ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт даражасини маҳсулотларнинг қанчалик ички ва ташқи бозор талабларига жавоб бериши тармоқнинг миқдор ва сифатлилик даражаси билан баҳоланади. Тадқиқотларга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмол бозорларида сотилсагина, яъни харидорлар талаб қилинсагина фойда келтиради.

Фикримизча, мева-сабзавот маҳсулотларига қўйилган сифат индикаторлари маҳсулотларнинг товарлилик даражаси, шакли, ранги, таъми, табиийлиги ГМО дан холи эканлиги (органик), маҳсулотларнинг маҳсулот турига қараб сақланиш ҳолати, маҳсулотларни истеъмолчилар талабларига мос ишлаб чиқарилиши, тайёр маҳсулотни қадоқланиши (дизайн, имиджи) билан белгиланса, уларга қўйилган миқдор индикаторлари эса, маҳсулотларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик даражасининг ўзгариши ҳамда унинг аҳоли жон бошига нисбатан ошиши, ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш, замонавий ресурс-тежамкор технологияларни қўлланилиши, хомашё таъминоти ва ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлаш, иқлимга мос ва рақобатбардош янги навлар яратилиши, ишлаб чиқаришни технологик трансформацияси каби индикаторлар билан белгиланади (1-расм).

Фикримизча, мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки янги тармоқларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, муқим иш ўринларини яратиш, экспорт географиясини кенгайтириши, валюта тушуми, аҳолининг турмуш даражасини янада оширишни таъминлайди.



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларига қўйилган миқдор ва сифат индикаторлари⁴

Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, унинг мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг миқдор ва сифат индикаторларини аниқлаш, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи йўналиш ва омилларни, жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг географик жойлашуви, ҳудудий табиий-иқлим шароитлари, мутахассис ва ишчи ходимлар малакаси ва тажрибалари, мева-сабзавот экин майдонининг ҳажми, замонавий техника-технологиялар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражасини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга (2-расм).

Қайд этилган истикболли йўналишларни белгилаш, қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи қуйидаги устувор вазифаларни ўз ичига олиши керак:

– ишлаб чиқариш кучларини оқилона тақсимлаш омилларини ҳисобга олган ҳолда АСМ ва унинг тармоқларини инновацион ривожлантириш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-таркибий тадбирларини ишлаб чиқиш (кластерлар, юқори қийматли ихтисослашган зоналар ва бошқалар);

⁴ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.



2-расм. Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари тизими ⁵

– ички ва ташқи мева-сабзавот маҳсулотлари бозорлари салоҳиятидан самарли фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, савдо айланмасини жадаллаштириш, маҳсулотларни ташиш ва сақлашнинг техник-технологик восита ва усулларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, улгуржи савдо шахобчалари, маркетинг ва логистика марказларини яратиш;

– “яшил иқтисодиёт” шаклланишига босқичма-босқич ўтиш жараёнида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ҳ.к.

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотга кўра, мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг истиқболлини белгилашда замонавий иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш илмий-амалий асосланган прогноз параметрларини ишлаб чиқишда устувор аҳамиятга эгаллиги билан бирга, уларни қўллаш жараёнида эътиборга олиш зарур бўлган қуйидаги хусусиятларни таъкидлаш ўринли, яъни:

– мева-сабзавот турларини ишлаб чиқариш технологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эгаллиги сабабли ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари ва хомашёларининг номенклатураси нисбатан бир-биридан фарқланади. Демак, иқтисодий-математик усуллар ва моделларда ривожланиш параметрларини асослашда даставвал номаълум тармоқ ёки соҳалар хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва бошқа омилларни эътиборга олиш лозим бўлади;

– аграр сектор тармоқлари учун шундай нисбий технологик талаб характерлики, бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятлари давомида меҳнат предметлари ва ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқариш билан қисман бўлсада, лекин доимий равишда шуғулланишни тақозо этади. Ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши ўз навбатида, эконометрик модел ва иқтисодий-математик усуллар асосида олинган параметрларнинг ишончилигини таъминлайди.

Демак, тармоқни ривожлантириш истиқболларини белгилаш дастури иқтисодий муносабатларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаштиришга ва қўйилган мақсадларига эришиш учун мақбул ечимлар топишга қаратилган тадқиқотлар тизими сифатида қаралиши лозим. Бунинг асосий вазифаси, бир томондан, ўрганилаётган соҳани яқин, ўрта ва узоқ муддатли даврларда ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, бошқа томондан эса, соҳа ёки корхона фаолиятини жорий ва узоқ муддатли режалаштириш ва тартибга солишни оптималлаштиришга ёрдам беришдан иборатдир.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрича, ҳозирги даврда қўйилган мақсад ва танланган йўналишларга мос равишда истиқболли белгилашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Ушбу усуллар асосида олинган ечимлар мазмун-моҳиятига кўра илмий ва услубий-амалий жиҳатдан, бизнингча, уларни қуйидаги муҳим мезонларга мос тарзда, яъни: қўллаш доираси ва мақсади, танланган усуллар, фойдаланувчи малакаси ва ишга тайёрлик даражасига кўра таснифлаш мумкин. Аввал таъкидланганидек, аксарият ҳолатда тасодифий такрорланувчи ҳодисаларни математик моделаштиришда стохастик усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил этилган мавжуд эконометрик модел ва иқтисодий-математик усулларни қўллаш асосида олинган натижаларнинг ишончилилик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадида тадқиқот жараёнида 2010-2022 йиллар бўйича республикамиз бозорларида шаклланган сабзавот маҳсулотларининг нархлари тўғрисида маълумотлар тўпланди ва уларнинг кунлик ўзгариши таҳлил қилинди. Шу ўринда эътиборли жиҳат шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида нархларни аниқлаш ва бошқариш мураккабдек туюлсада, бироқ Марков ишлаб чиққан занжирли модели асосида истеъмол бозорлари нархларини вақтга боғлиқ ҳолда истиқболда ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Демак, сабзавот нархларининг ўзгариш даражаси ва тезлигини кунлик кузатиб бориш орқали нархларнинг вақт таъсирида ўзгариш эҳтимоллигини аниқлаш мумкин. Барча кузатув натижалари дискрет ҳодисалар кўринишида, яъни, узлуксиз ўсиш ёки камайиш ҳолларида умумлаштирилди ва Марков занжир модели асосида сабзавотлар нархларининг уч хил ҳолати таҳлил қилинди, яъни: 1) нархларнинг кескин ўзгариш оралиқлари; 2) нархларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларига таъсир кўрсатмайдиган секин тебраниши; 3) кузатувнинг барча ҳолатлари ва даврларида маҳсулот нархларининг ўзгармаслиги. Шу боис, бозорлар нархларини ўрганишда асосан нархларнинг кунлик ўзгаришига устуворлик берилиб, Марков занжир модели 2 қисмда кўриб чиқилади.

Биринчи моделда кузатилган ҳар бир кун натижалари аввалги кун билан таққосланиб, сотиш нархлари аниқланади. Бироқ, нархларнинг ўзгариши даврга қараб моделда икки ҳолатда кўриб чиқилади, яъни:

1-ҳолатда (юқори даромад): бугунги нархлар аввалги кунларга қараганда юқори ёки тенг, бироқ сотувчи учун нисбатан фойдали.

2-ҳолатда (зарарли): бугунги нарх аввалги кунларга қараганда сезиларли даражада паст ёки тенг бўлса, сотувчи учун манфаатдорлик нисбатан паст.

Иккинчи моделда асосан бозор нархларининг ўзгариши ҳисобга олиниб, сотиш сарф-харажатлари ва маркетинг тизими самарадорлигига катта аҳамият қаратилмайди. Бунда, сабзавот нархларининг аввалги кундан паст, тенг ёки юқори бўлишига асосий эътибор берилади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз бозорларида қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариш эҳтимоллигини аниқлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалиётга самарали жорий қилиш учун Марков занжир моделидан фойдаланиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишлари ва ўзгариш параметрларини ишлаб чиқишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавотчилик тармоғининг ривожланиш тенденциялари ва ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шароитида мева-сабзавотчилик тармоғидаги таркибий ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти ҳамда хорижий давлатларнинг мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича тажрибалари таҳлил қилинган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт даражасига қараб, маҳсулотларнинг қанчалик бозор талабларига жавоб бериши ҳамда сифатлилик даражасини баҳолай оламиз. Тадқиқотларга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмол бозорларида сотилсагина, яъни харидорлар талаб қилишсагина фойда келтиради.

Айтиш жоизки, республикамизда етиштирилган мева-сабзавотлар миқдор жиҳатдан етарлича бўлсада, уларнинг экспорт ҳажми талаб даражасида дейишимиз қийин. Албатта, экспорт салоҳиятига фақатгина маҳсулот сифати эмас, халқаро бозорлар талаби, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш каби бошқа омиллар ҳам таъсир қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида

етиштирилган маҳсулотларнинг сифатлилик даражасини белгиловчи бир қанча мезонлар ҳам мавжуддир:

– товарлилик даражасига кўра – етиштирилган маҳсулотнинг ташқи кўриниши, яъни ҳажмининг бир хил бўлиши, сараланиши ва қадоқланиши каби жиҳатларини ўзида мужассламлаштиради;

– маҳсулотнинг сотилиш баҳоси – тадқиқотларга кўра, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи ҳар хил бўлсада, аксарият ҳолатларда уларнинг сотилиши баҳоси бир хил бўлади. Яъни, сабзаёт етиштиришда Тошкент ҳамда водий вилоятлари фермерлари нисбатан маржинал устунликка эга бўлсада, бироқ харидорлар маҳсулотларнинг бозор баҳоси учун пул тўлаши, ишлаб чиқариш нисбатан қиммат турадиган ҳудуд фермер ва деҳқонлари учун мураккаблик касб этади. Шу сабабдан ҳам, етиштирилган маҳсулотларга баҳо шаклланишида бозор нархларига иқтисодий механизмлар орқали таъсир қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилларга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва экспорт ҳажмини таққослаганда, ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг фақатгина 12-13 фоизи экспорт қилиниши етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, республикамизда 2020 йилда жами 2813 минг тонна мева резаворлар етиштирилган бўлсада, шундан 402,3 минг тоннаси, яъни 14,3%, сабзаётлар 13,9%, узум 9,5% экспорт қилинган. 2022 йилда эса юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 11,8%, 8,6%, 11,7% ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал.


Республикамизда экспорт қилинган мева-сабзаёт маҳсулотларининг миқдори ва қиймати ўзгариши⁶

Маҳсулот номи	2020 йил			2022 йил		
	жами етиштирилган маҳсулот, минг тонна	шундан экспорт		жами етиштирилган маҳсулот, минг тонна	шундан экспорт	
		миқдори, тонна	қиймати, млн. АҚШ долл.		миқдори, тонна	қиймати, млн. АҚШ долл.
Мева ва резаворлар	2 813,0	402,3	353,9	3042,42	360	301,9
Сабзаётлар	5515,32	768,3	400	10252,1	883,7	478,3
Узум	1890,0	181,4	188,2	2728,5	318,9	280,1

Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳозирги даврга келиб ташқи бозорларда муқим рақобат устунликларига эга бўлмоқда ва бу тенденцияни муҳим ижобий ўзгариш сифатида баҳолаш лозим. Жумладан, мева-сабзаёт маҳсулотлари экспортдан олинган даромадлар сўнгги

⁶ https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry_TS.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c1404%7c%7c%7c4%7c1%7c1%7c2%7c2%7c1%7c2%7c1%7c1%7c1

5 йилда кескин ўсди ва ушбу соҳанинг экспорт географияси тобора кенгайиб бормокда (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географияси ва ҳажмининг ўзгариш тенденцияси (минг АҚШ доллари)⁷.

М

а
с
а
л
а
н

экспортнинг асосий улуши, масалан, 2018 йилда Марказий Осиё давлатларига тўғри келган бўлса, 2020 йилдан эътиборан Хитой, Туркия ва бошқа давлатларга ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва экспорт бозорларини янада кенгайтириш ва эришилган даражага олиб келишнинг асосий қисми бўлиб келимоқда. Буни билим ҳисобларнинг таъкидлаши билан бирга, диверсификация сиёсатининг амалга оширилиши ва қишлоқ хўжалигида сифат ўзгаришига эришиш, унинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий шартлари (БМТИ) ҳи ва қайта ишлаш саноатининг жаҳон бозоридан энг рақобатбардош турларини аниқладилар⁸.

Ўзбекистон ташқи бозорда нисбатан қиёсий устунликка эга бўлган 19 товар гуруҳига қуйидагилар киради: ўрик, олча ва гилос, шафтоли, олхўри, узум, қуритилган мевалар, консерваланган сабзавотлар, қуритилган сабзавотлар ва дуккакли экинлар, сабзи, помидор ва бошқалар.

⁷ https://www.trademap.org/Country_SelProductCountry_TS.aspx?nvpm=1%7c860%7c%7c%7c%7c1404%7c%7c%7c4%7c1%7c1%7c2%7c2%7c1%7c2%7c1%7c1%7c1

⁸ <https://www.xabar.uz/jamiyat/pmti>

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарувчилар кўлида кўп миқдордаги маҳсулот қолиб кетмоқда, уни хорижий истеъмолчига етказиб бериш (сотиш) тизими тўлиқ шаклланмаган. Шу сабабли, ташқи ва ички озиқ-овқат бозорларидаги рақобатлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспортини рағбатлантириш – бунда мавжуд муаммолар янги навлар, сақлаш, қайта ишлаш, логистика, имтиёзли кредит ва яшил йўлақларни кенгайтириш, пишиқчилик мавсуми даврида маҳсулотларни исрофгарчилиги олдини олиш ва нархларини бир меъёрда бўлишини таъминлашда ҳудудий сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш;

экспортбоп мева-сабзавотларни экиш ва парваришлаш бўйича соҳа олимлари томонидан ҳудудларнинг географик ва иқлим шароитига мос ҳолда технологик карталарнинг ишлаб чиқилиши, сифатли уруғ билан таъминланишни йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда экспортбоп кўчат навлари ва уруғлар етказиб берувчи хўжалиқларни кўпайтириш ва уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш;

мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш бўйича ишончли ахборот порталини фаолиятини йўлга қўйиш – бунда ишлаб чиқарувчилар, экспортёрлар жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотларнинг турлари, навлари, ҳажмлари, нархлари ва етиштириш технологияси, маркетинг ва консалтинг хизматлари тўғрисидаги маълумотларни кузатиш имконини беради;


импортёр давлатларнинг мазкур соҳада фаолият юритаётган олимлари, маркетинглар, ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўқув ва семинар-тренинглари ташкил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ва унинг барча тармоқларини таркибий ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш истиқболда ушбу стратегик тармоқни бозор рақобатларига мос ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратади. Шу боис, ушбу муаммоларни ҳал этишда хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш ва уларнинг илғор ютуқларини республикамиз мева-сабзавотчилик тармоғига жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация ишининг **“Мева-сабзавотчилик тармоғини истиқболли ривожлантириш йўналишлари ва маҳсулотлар ҳажмининг прогноз параметрларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган, эконометрик моделлаштириш усулларини қўллаш орқали мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш сценарийлари асосланган ва тармоқда маҳсулотлар ҳажмининг 2030 йилгача прогноз параметрларини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар тайёрланган.

Маълумки, ҳозирги илм-фан соҳалари ва амалиётда “яшил иқтисодиёт”, “рақамли иқтисодиёт”, “рақамли технология” каби янги иқтисодий категория, атама ва йўналишлар жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ ва ҳал этишда кўп қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, глобал иқлим ўзгариши

ва давлатлараро иқтисодий-савдо алоқалар кўламининг кенгайиши ва халқаро маҳсулот (товар) айирбошлаш жараёнларининг мураккаблашиши ўз навбатида дунёдаги мавжуд ва фаолият юритаётган барча ихтисосликдаги бозорларга оид ягона ахборот базасини яратишни объектив заруриятга айлантirmoқда. Юқоридаги вазифалар ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида “IT-Tools” (ахборот технологияларига асосланган илова) янги инновацион усул сифатида БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги бўлими ва Республика Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Фарғона водийсида фермерларни иқлим ўзгариши хатарларига мослашиши ва барқарорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида тажриба сифатида жорий қилиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳада кўзда тутилган ғоя энг янги рақамли технологияларни қўллаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини синаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шу жиҳатдан ҳам, бизнингча, “Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш рақамли электрон платформасини яратиш”, уни истиқболда янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги таркибий қисм ва вазифаларни ўз ичига олиши лозим (4-расм).



4-расм. Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш рақамли электрон платформаси лойиҳаси, уни амалга ошириш муҳитлари, салбий ва ижобий оқибатлари⁹

